

УДК.619:[616.995.1.616-084]:636.3.

2-ПРОПИНИЛАМИНОБЕНЗИМИДОЛНИНГ МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ШАКЛЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ СИНАШ НАТИЖАЛАРИ

*Улашов И.А. в.ф.ф.д., катта илмий ходим
Ветеринария илмий тадқиқот институти.*

Аннотация

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паразитар ва юқумсиз касалликларига қарши кўрашиш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳаллий антигельминт препаратларидан фойдаланишнинг самарали усуллари байон қилинган.

Аннотация

В данной статье описаны эффективные методы использования местных противогельминтных препаратов при осуществлении мероприятий против паразитарных и неинфекционных заболеваний сельскохозяйственных животных.

Калит сўзлар: қўзғатувчи, касаллик, гельминт, трематода препарат, фаоллик.

Кириш. Бугунги кунда чорвачиликни ривожлаштириш, моллар бош сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда чорва молларининг турли хил юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликларига қарши чора-тадбирларини ўз вақтида ва талаб қилинадиган ҳажмда, тўлиқ амалга ошириш, муҳим аҳамият касб этади.


Бундай касалликлар қаторига чорва моллари, айниқса қўй-эчки, қорамол ва отлар орасида ҳалигача учраб турадиган, айрим ҳудудларда кенг тарқалиб чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказадиган гельминтозлар ҳам киради. Ушбу Маршаллагияз, нематодироз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ҳамда фасциолёз билан табиий зарарланган қўйларда олиб борилди. Ушбу қўйлар 4 гуруҳга бўлиниб, уларга 2-пропиниламинобензидазолнинг кукуни, суспензияси ва ингредиентлари бир хил дозада берилди.

Мазкур тажрибаларнинг тартиби (схемаси) ва натижалари 1-жадвалда акс этдирилган бўлиб, 1- тажриба гуруҳда 4 бош қўйлар бўлиб, 100% маршаллагияз, 100% нематодироз, 100% бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ва 75% фасциолёз билан зарарланган эди. Бу гуруҳ қўйларга 2-пропиниламинобензидазолнинг кукунидан 7 гр дан 1 бош қўй ҳисобига оғиз орқали ичирилди. Дори берилгандан 5 кун кейин гельминтологик текширишлар натижаларига кўра (1-жадвал) қўйларнинг маршаллагия, нематодироз ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ҳамда фасциолёз билан умуман гельминтлар билан зарарланганлиги 75% га камайганлиги кузатилди.

II гуруҳдаги 4 бош қўйлар ҳам 75% маршаллагияз билан, 75% нематодироз, 75% бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ҳамда 100% фасциолёзлар билан зарарланган бўлиб, бу гуруҳ тажриба қўйларида 2-пропиниламинобензидазолнинг суспензия шакли синалди. Олинган натижаларга кўра, қўйларда 2- пропиниламинобензидазолнинг суспензияси 7 мл миқдорда 1 бош қўйга оғиз орқали берилганда, антгельминт самараси дори берилгандан кейин қўйларнинг маршаллагияси ва нематодларига 75%, бошқа ошқозон ичак стронгилятозларига ҳамда фасциолёзларига 100% самара курсатди, умуман гельминтлар билан зарарланганлик 75 % ни ташкил қилди.

III гуруҳ (4 бош) қўйларга суспензия ингредиентидан ҳар бир бошга 7 мл миқдорда оғиз орқали берилди. Бу гуруҳ қўйлар ҳам 100% маршаллагиялар билан, 100% нематодироз, 100% бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари билан ва 100% (4 бош) қўй фасциолалар билан зарарланган бўлиб, қўйларга дори берилгандан кейин уларнинг гельминтозлар билан экстензарарланганлиги сезиларли пасайди: маршаллагияз ва нематодалар билан ЭЗ 75 % ни, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари билан 75% ни ташкил қилди ва фасциолаларга тасир

қилмади. Бу гуруҳ қўйларининг гельминтлар билан умумий зарарланганлиги ҳам бир мунча камайди, бу кўрсаткич 50% ни ташкил қилди, аммо инвазиянинг интенсивлиги кескин пасайиши кузатилди.



1-расм. Гельминт тухумлари

Ўсимликлар кимёси институтида синтез қилиб олинган антгельминтларни чет элда ишлаб чиқарилган антгельминтиклар билан таққослаб синаб кўрилди. Бунинг учун IV гуруҳ (4 бош) қўйларга Албендазол 4% + Оксиклозанид 7% суспензиясидан ҳар бир бошга 7 мл миқдорда оғиз орқали берилди. Ушбу гуруҳ қўйлар ҳам 100% маршаллагиялар билан, 25% нематодалар билан, 100% бошқа ошқозон ичак стронгилятозлари билан ва 75% фасциолалар билан зарарланган бўлиб, қўйларга Албендазол+Оксиклозанид суспензиясини 7 мл 1 бош қўйга берилганда юқори антгельминт самара олинди: гельминтозлар билан умумий зарарланганлик 100 фоиздан 25 фоизга тушди, қўйлар маршаллагия ва нематодироздан, бошқа ошқозон-ичак стронгилятлари ва фасциолёздан тўлиқ озод бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

2-пропиналаминобензимидазолнинг кукуни, суспензион шакли ва суспензни дастлабки синаш натижалари

Гуруҳлар ва синалган преапаратлар ва дозалар	Тажрибадаги қўйлар сони	Дори беришдан олдин ЭЗ					Дори беришдан кейин ЭЗ				
		маршаллагия	нематодироз	бошқ. о/и	фасциол	умум. зарар. (%)	маршаллагия	нематодироз	бошқ. о/и	фасциол	умум. зарар. (%)
I гуруҳ, 2-пропиналаминобензимидазол кукуни 7 гр/бош	4	36	5	42	98	100	1	-	-	-	25
		45	20	17	2	100	1	-	-	-	25
		35	90	25	-	75	-	-	-	-	-
		17	15	17	50	100	-	-	-	-	-
II гуруҳ 2-пропиналаминобензимидазол суспензияси 7 мл/бош	4	5	9	7	5	100	-	-	-	-	-
		-	-	1	11	50	-	-	-	-	-
		27	5	28	4	100	1	1	-	-	50
		3	2	-	1	75	-	-	-	-	-
III гуруҳ суспензия ингридиенти	4	10	21	27	30	100	8	15	22	30	100
		9	3	9	2	100	6	-	7	3	75
		10	6	15	14	100	8	4	12	14	100
		1	4	2	7	100	-	2	-	6	50

	7 мл/бош											
4	IV гурух албендазол 4% + оксиклозан ид 7 %, 7 мл/бош	4	14	-	60	2	75	-	-	2	-	25
			3	-	73	7	75	-	-	-	-	-
			18	1	33	-	75	-	-	-	-	-
			14	-	40	1	75	-	-	-	-	-

Демак, юкорида қайд қилинган дастлабки синов натижаларига кўра 2-пропиниламинобензимидазолнинг 1 бош кўйга 7 мл дозада кўй гельминтозларига – маршаллагияоз, нематодироз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ва фасциолёзга қарши кониқарли самара кўрсатди. Фақат суспензия ингредиенти кўйларнинг гельминтозлар билан зарарланганлиги дори берилгандан кейин бирмунча пасайса ҳам умумий зарарланганлик (50%) сақланди.

Шундай қилиб 2-пропиниламинобензимидазол кукуни ва суспензиясини амалиётга кўллаш учун тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Ўзимизда, яъни ЎзФА нинг ЎМКИ да яратилган 2-пропиниламино-бензимидазол кенг антгельминт таъсир доирага эга бўлган, юкори самарали, кониқарли восита бўлиб, уни кўйларнинг Nematoda, Cestoda ва Trematoda синф вакилларига қарши кўллаш мақсадга мувофиқ

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Орипов А.О., Абдуразоқов А.Ш., Улашов И.А. Взаимосвязь между химическими и антгельминтными свойствами противогельминтных препаратов. Журнал “Veterinariya medisinasi”. №3, 2021, -Б. 29-33.
2. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария Гельминтологияси. // “Наврўз” нашриёти. Тошкент. 2016. –Б. 239.
3. Халиков, С. С., Орипов, А. О., Исаев, Ж. М., & Улашев, И. А. (2019). ПОЛУЧЕНИЕ МОДИФИЦИРОВАННЫХ МЕХАНОХИМИЧЕСКИМ ПУТЕМ ИННОВАЦИОННЫХ ПРЕПАРАТОВ И ИХ СВОЙСТВА. In *Актуальные проблемы сельского хозяйства горных территорий* (pp. 324-328).
4. Khalikov, S. S., Oripov, A. O., Isaev, Z. M., & Ulashev, I. A. (2020). Properties of albendazole solid dispersions obtained by mechanochemical modification with polymers.
5. Орипов, А. О., Юлдашев, Н. Э., Джаббаров, Ш. А., & Улашев, И. А. (2021). НОВЫЕ МОЛЛЮСКОЦИДЫ ДЛЯ ПРОФИЛАКТИКИ ГЕЛЬМИНТОЗОВ ЖИВОТНЫХ. In *НАУЧНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА* (pp. 1417-1422).
6. Орипов, А. О., Юлдашев, Н. Э., Джаббаров, Ш. А., Тугузов, Ю. М., Улашов, И. А., & Кучинский, М. П. (2022). Новые моллюскоциды для профилактики фасциолёза, шистосомоза (ориентобильгарциоза) и парамфистоматидозов. *Экология и животный мир*, (2), 53-58.
7. Орипов, А., Абдуразаков, А., & Улашев, И. (2022). Химические и антгельминтные свойства препаратов и предпосылки к созданию противогельминтных средств. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 308-312.
8. Орипов, А. О., Исаев, Ж. М., Улашев, И. А., & Халиков, С. С. (2019). Препараты против гельминтов овец в виде твердых дисперсий. *Успехи современного естествознания*, (3-2), 169-175.